

«Тасдиқлайман»

Андижон Давлат Тиббиёт Институти
Ректори т.ф.д., профессор

А.К. Шадманов _____

«_____» _____ 2014 йил.

АННОТАЦИЯ

МАГИСТРЛИК ИЛМИЙ ЛОЙИХАСИ МАВЗУСИ **“ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗЛАРИНИ КЛИНИК** **ХАРАКТЕРИСТИКАСИ”**

Индекс УДК – 616.36-004

Илмий иш рахбари: 1 –УАШТ кафедраси асс. т.ф.н., У.К. Ахмадалиева

Бажарувчи: 1 –УАШТ кафедраси магистери О.Б. Худойбердиев

I. ТАДҚИҚОТ ДОЛЗАРБЛИГИ

Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра охирги ўн йилликда жигар диффуз касалликлари билан касалланиш ва ўлим ҳолатлари ўсиб бормоқда. Ҳозирги замон гепатологиясининг жиддий муаммоларидан бири жигар циррози ва унинг асоратлари (портал гипертензия ва жигар етишмовчилиги) бўлиб қолмоқда. Дунё бўйича барча жигар циррозларини 30-40% ни вирусли гепатитлар В, С, D натижасида келиб чиққан циррозлар ташкил этади. Дунё бўйича жигар циррози билан касалланиш ҳар юз минг аҳолига 14-30 тани ташкил қилади. Илмий кузатувлар жигар циррози кўпроқ эркакларда учрашини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда жигар циррози билан касалланган беморларнинг 1% ни вирусли гепатитлар В, С, D натижасида келиб чиққан циррозлар ташкил этади. Циррозга олиб келувчи вирусли гепатитлар ташувчиларни кўплиги, вирусли гепатит ва унинг асоратлари ортиб бораётганлиги, беморлар орасида ўлим кўп учраганлиги, энг ачинарлиги ўзбекистон аҳолисини ёш қатламлари орасида кўплиги. Аҳоли орасида вирусли гепатит ташувчилар кўплиги, кўпинча вирусли гепатитларни сурункаликка ўтиши. Сурункали инфекция билан оғриган беморларнинг узок вақт давомида гепатит вирусини сақлаши.

II. ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

АДТИ клиникаси гастроэнтерология ва гепатология бўлимларида ётиб даволанган беморлар орасида вирус этиологияли жигар циррозларини клиник характеристикасини таққослаб ўрганиш.

III. ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ

1. Гастроэнтерология ва гепатология бўлимларида ётиб даволанган беморларда ИФА усулида HBV, HCV ва HDV маркерларини аниқлаш.
2. Гастроэнтерология ва гепатология бўлимларида ётиб даволанган беморларда ПЦР усулида вирус юкламасини ва генатипини аниқлаш.

3. Гастроэнтерология ва гепатология бўлимларида ётиб даволанган беморлар орасида HBV, HCV ва HDV этиологияли жигар циррози клиник манзарасини таққослаб ўрганиш.

IV. ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

1. АДТИ клиникаси гастроэнтерология ва гепатология бўлимларида ётиб даволанган беморлар орасида олиб борилади.

2. Текширув сўровномали, асбоб-ускунали (ФГДС, УТТ), биохимик(АЛТ, АСТ, билирубин, ПТИ, коагулограмма), ИФА ва ПЦР текширув усуллари қўлланилади.

V. ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ

HBV ва HCV билан касалланган беморларда жигар циррози нисбатан секинлик билан ривожланади. Лекин HBV билан касалланган беморга HDV қўшилса жигар циррози шиддат билан ривожланади ва ўлим ҳолатлари кўпаяди. HBV билан касалланмаган аҳолини ёппасига HBV га қарши емлаш ишлари амалга оширилса, ўз-ўзидан HDV билан касалланишни ҳам олди олинади. Натижада вирусли гепатитлар келтириб чиқараётганлар мутлақо олди олинади, ўлим кўрсаткичи пасаяди ва ҳаёт сифати яхшиланади.

VI. ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

HBV билан касалланмаган аҳолини ёппасига HBV га қарши емлаш ишлари амалга оширилса, ўз-ўзидан HBV ва HDV билан касалланишни олди олинади, вирусли гепатитлар келтириб чиқарадиган асоратлар, жумладан, жигар циррозлари ва уни асоратларидан ўлим кўрсаткичи пасаяди ва ҳаёт сифати яхшиланади.

VII. ТАДҚИҚОТ УЧУН ЗАРУР МАТЕРИАЛ ВА ТЕХНИКАЛАР

Тадқиқот учун зарур бўлган лаборатор ва инструментал текширув АДТИ клиникаси лаборатория бўлимида амалга оширилади.

VI.ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

Материал йиғишни бошлаш	2014-2015
Материал йиғишни тугатиш	2014-2015
Диссертация ёзиш	2015-2016
Ишни апробацияси	2017

Илмий иш рахбари:	1 –УАШТ кафедраси асс. т.ф.н., У.К. Ахмадалиева
Бажарувчи:	1 –УАШТ кафедраси магистри О.Б. Худойбердиев
Патентловчи:	Р.В.Ким